

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШУКУРОВ ЎРАЛ ЭРГАШОВИЧ

**ПРЕЭКЛАМПСИЯДА ЛИМФА ТУГУНЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ВА
МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шукуров Ўрал Эргашович

Преэклампсияда лимфа тугунларнинг морфологик
ва морфометрик ўзгариши..... 3

Шукуров Урал Эргашович

Морфологические и морфометрические изменения
лимфатических узлов при преэклампсии..... 21

Shukurov Ural Ergashovich

Morphological and morphometric changes in lymph
nodes in preeclampsia..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШУКУРОВ ЎРАЛ ЭРГАШОВИЧ

**ПРЕЭКЛАМПСИЯДА ЛИМФА ТУГУНЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ВА
МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib944 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Исроилов Ражаббай тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Мавлян-Ходжаев Равшан Шухратович тиббиёт фанлари доктори Расулов Хамидулла Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази |

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-кават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ да куни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда преэклампсия фақат ҳомиладорларда ривожланадиган касаллик бўлиб, артериал гипертензия, протеинурия, полиорган етишмовчилиги билан давом этиб, кўпинча фетоплацентар тизимни бузади. Преэклампсия ва эклампсия ҳомиладорларнинг киллери ҳисобланиб, оналар ўлимининг 16%ни ташкил қилади ва преэклампсия 30% ҳоларда йўлдош етишмовчилиги билан, кўпинча HELLP-синдром, катталарда РДС ва неврологик тутқаноқ билан асоратланади. Бу касалликда ривожланган полиорган етишмовчилик буйрак, жигар, юрак-томир тизими аъзолари, бош мия ва иммун тизим аъзолари шикастланиши билан намоён бўлади. Преэклампсия ривожланишида ҳомила антигенларининг она қонига ўтиши, антителалар ишлаб чиқиши, антиген-антитела реакциясининг йўлдошга таъсири муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, турли хил локализацияга эга бўлган лимфа тугунларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини, преэклампсия касаллигининг ривожланиш механизмини очиш ва олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш замонавий патологик анатомия соҳасида энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда преэклампсияда лимфа тугунларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришининг ўзига хослигини оптималлаштириш борасида катор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, соматик касалликлардан вафот этган аёллар трахеобронхиал ва мезентрал лимфа тугунларининг ўзига хослигини, преэклампсиянинг ҳар хил даврларида вафот этган аёллар трахеобронхиал ва мезентрал лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, фундаментал тадқиқотларни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликлари натижасида юзага келадиган преэклампсияни самарали ташхислаш, асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»¹ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, преэклампсияда лимфа тугунларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни самарали ташхислаш ва бартараф этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Преэклампсия – бу ҳомиладорликнинг учинчи триместрида, ҳомиладорлик асорати сифатида ривожланадиган, тўқималар шиши, протеинурия, артериал гипертензия ва ҳаётий муҳим аъзолар иш фаолиятининг бузилиши билан давом этадиган касаллик ҳисобланади (Репин М.А., 2005; Бобоев Х.Н., 2008). Шубҳасиз, дисциркуляция, шиш, дегенерация ва деструкция каби ўзгаришлар бошқа аъзо ва тўқималарда, жумладан, иммунитет тизимининг органлари бўлган лимфа тугунларида ҳам ривожланади. Маълумки, преэклампсиянинг ривожланиш босқичига қараб, шиш биринчи навбатда барча тўқималар ва органларда пайдо бўлади, кейин гипопро테인эмия туфайли шишнинг кучайиши ва ниҳоят, гипертензия ривожланиши туфайли томирлар ва лимфа томирларида турғунлик кузатилади. Бу эҳгаришларда лимфа тугунлари ва лимфа томирларининг дренаж тизими сифатидаги роли муҳим аҳамиятга эга. Преэклампсия ёки ҳомиладорликнинг кечки токсикози, онанинг ҳаётий муҳим аъзо ва тизимлари морфофункционал ҳолатининг бузилиши билан давом этиши ҳақида баён этилган (Ковригина А.М., 2009). Бу хасталикнинг олдини олишда, ҳомиладорлик асоратларини камайтиришда, ҳомилага берадиган таъсирини камайтириб, унинг яхши ривожланишини таъминлашда қўлланиладиган чора-тадбирларни мақсадли режалаштиришнинг туб асослари бўлиши мумкинлиги таъкидланган (Айламазьян Э.К. ва бошқ., 2004). Преэклампсия томирлар тизимининг тарқоқ ҳолдаги шикастланиши албатта ҳаёт учун муҳим аъзолар иш фаолиятини бузади ва ҳар хил асоратларга олиб келади (Иванова Н.Л., 2009). Жумладан, жигар, бош мия ва лимфа тугунлар қон томирларида тромбоз, спазм ва микроциркуляциянинг бузилиши оқибатида қон қуйилиш, тўқима шиши, ўчоқли некрозлар пайдо бўлиши билан давом этиши аниқланган (Christopher W. G et al, 2010; Rambaldi M.P., 2019). Ҳомиладорликнинг 16 ҳафтасигача содир бўлган ўзгаришлар ҳомилалик тухумини имплантациясига, йўлдошнинг ўсиши ва ривожланиши, шунингдек ҳомиланинг органогенези учун қулай иммун фон яратишга қаратилган. Репродуктив тизим ва регионар лимфа тугунларининг иммунокомпетент хужайралари эмбрионни назорат қила туриб, ҳомиладорлик даврида бачадоннинг маҳаллий иммунитетини таъминлайди (Медведев Б.И. ва бошқ., 2019; Михайлова В.А., 2015; Райт Д. И др., 2008). Ҳомиладорликда лимфоид аъзоларнинг қайта тикланиши супрессор

хужайраларнинг сафарбар қилиниши билан кечиши аниқланган (Ковригина А.М., 2009; Курочка М.П. ва бошқ., 2011).

Мамлакатимизда турли соматик касалликларда юзага келадиган морфологик ўзгаришлар бўйича қатор муаллифлар иш бажаришган (Р.И.Исраилов, 2018; М.С.Абдуллаходжаева, 2015; Х.З.Турсунов, Б.А.Магруппов, 2016), бироқ лимфа тугунларининг ўзига хослигидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар оптималлаштирилмаган. Преэклампсия таъсирида аёл организмида ривожланадиган ўзгаришлар асосида қон томирлар спазми, қон ҳажмининг камайиши, қон ивиши ва микроциркулятор томирларда оқувчанлигининг бузилиши натижасида юрак иш фаолияти сусайиши, тўқима ва аъзоларнинг қон билан таъминланиши бузилиши, ишемияга сезувчан аъзолар: буйрак, жигар, ўпка ва бош мияда, ҳамда иммун тизими аъзоларида дистрофик ва деструктив ўзгаришлар ривожланиши аниқланган (А.В. Муратходжаева ва бошқ., 2007; Ф.К. Кабулова, 2007). Бироқ, преэклампсияда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришининг ўзига хослиги оптималлаштирилмаган.

Шундай қилиб, преэклампсиянинг турли босқичларида лимфа тугунларидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг хусусиятларини баҳолаш, ушбу патологиянинг ривожланишида иммун тизим периферик органларининг аҳамиятини ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Одам патологик ҳолатининг иммуно-микробиологик, тиббий ижтимоий аспекти ўзига хослигини ўрганиш ҳамда инфекцион ва соматик касалликлар ташхиси ва профилактикасининг янги усуллари ишлаб чиқиш» (2018–2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади преэклампсияда трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

назорат гуруҳи сифатида, соматик касалликлардан ўлган аёллар трахеобронхиал ва мезентрал лимфа тугунларининг гистологик ўзига хос тузилиши ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

преэклампсиянинг ҳар хил даврларида ўлган аёллар трахеобронхиал ва мезентрал лимфа тугунларининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш;

преэклампсиянинг ҳар хил даврларидан ўлган аёллар трахеобронхиал ва мезентрал лимфа тугунлар тўқима тузилмаларининг морфометрик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш;

преэклампсия билан захарланишга хос бўлган лимфа тугунлардаги морфологик ва морфометрик баҳолаш мезонларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2021 йилларда Республика патологоанатомик марказда соматик касалликлардан 14 нафар ва

преэклампсиядан вафот этган 44 нафар аёллар трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунларининг аутопсия материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предметини преэклампсияда трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда морфологик, морфометрик, иммуногистохимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

соматик касалликлардан вафот этган аёллар трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунларининг паренхимаси, лимфоид фолликулалари гиперплазияланиши, паракортикал майдон кенгайиши, мағиз қават синуслари кенгайиши, юмшоқ тасмалари хужайраларга бойиши билан, лимфа тугуннинг реактив фаоллашуви кучайиши асосланган;

преэклампсиянинг ҳар хил даврларидан вафот этган аёллар трахеобронхиал ва мезентериал соҳа лимфа тугунлари юмшоқ тасмалари зичлашиши, заҳарланишга қарши гистиоцитар ва ретикуляр бириктирувчи тўқима хужайраларининг пролиферацияланишининг кўпайиш дражаси соматик касалликларга нисбатан ортиши билан, лимфа тугуннинг барьер-филтрация ва детоксикация вазифаси кучайишининг ўзига хослиги исботланган;

преэклампсиянинг ҳар хил даврларидан вафот этган аёллар трахеобронхиал ва мезентериал соҳа лимфа тугунлар тўқима тузилмаларининг CD45 антигенлар ва Ki67 антигенлари ўзаро боғлиқлиги исботланган;

лимфа тугуннинг иммунопоэтик фаолиятини белгилайдиган фолликуляр коэффицент преэклампсияда мезентериал лимфа тугунда 0,0038, трахеобронхиалда 0,0021 гача тушиб кетиши, герминатив-фолликуляр индекс 73,9 ва 78,9 ни ташкил қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

соматик касалликлардан ва преэклампсиянинг ҳар хил даврларидан ўлган аёллар трахеобронхиал ва мезентериал соҳа лимфа тугунларининг морфологик ўзгаришлари ҳақидаги солиштирма маълумотлар асосида преэклампсия билан касалланганларнинг иммун тизими ҳолати баҳоланган;

назорат гуруҳи ва преэклампсиянинг ҳар хил даврларидан ўлган аёллар трахеобронхиал ва мезентериал соҳа лимфа тугунлар тўқима тузилмаларининг солиштирма морфометрик кўрсаткичлари преэклампсия билан касалланганларнинг иммун тизимининг иммунологик кўрсаткичларини баҳолашда қўлланилган;

ҳар хил локализацияли лимфа тугунларнинг морфологик ва морфометик кўрсаткичларини баҳолаш асосида преэклампсия билан заҳарланиш даражаларини башоратлаш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тадқиқотда ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфологик, морфометрик,

иммуногистохимий ва статистик таҳлил усуллари қўлланилганлиги, лимфа тугунларида морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш асосида олинган маълумотларни ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лимфа тугунининг меъёрий морфологик ҳолатидаги тузилишининг ўзига хос хусусиятлар, артериолалар, капиллярлар ва посткапилляр венулалардаги преэклампсияга хос морфологик ўзгаришлар, унга қўшимча ретикуляр стромаси ва лимфоцитларда ривожланадиган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар асосида акушер гинекологлар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти аутопсия материалларидан фойдаланиб, хомиладорликдаги преэклампсия касаллиги таъсирида мезентериал ва трахеобронхиал лимфа тугунларидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида преэклампсия жараёнида организмнинг иммун тизими морфофункционал ҳолатини ретроспектив ва проспектив баҳолаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Преэклампсияда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришини морфологик тузилишининг ўзига хослигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

преэклампсияда лимфа тугунларидаги патологик ўзгаришларни баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб-чиқилган «Преэклампсияда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 октябрдаги 8н-р/1012-сон маълумотномаси). Натижада, касалликни эрта ташхислаш, олдини олиш, даволашнинг янги тактикасини ишлаб чиқиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

преэклампсияда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини самарали ташхислаш тартибини такомиллаштириш асосида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика патологик анатомия маркази ва Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий марказининг Тошкент шаҳар бўлими амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 декабрдаги 08-09/18864-сон маълумотномаси). Натижада, преэклампсияда лимфа тугунларидаги патологик ўзгаришларини эрта ташхислаш, олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазибалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Преекламписиянинг патологик анатомияси, иммун тизимнинг ўзгариши, лимфа тугунларнинг аҳамияти ҳақидаги замонвий маълумотларнинг муҳокамаси»** деб номланган биринчи бобда маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида преекламписияда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Преекламписиянинг этиологияси ва патогенези ривожланиш механизми, преекламписияда лимфа тугунларининг морфологияси ҳақида илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган.

Диссертациянинг **«Преекламписияда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда текширишнинг материал ва усуллари баён этилган бўлиб, ҳомиладорлик даврида преекламписиянинг асоратиларидан вафот этганлар ва преекламписия ташҳиси клиник – анамнестик маълумотлар асосида тасдиқланган вафот этганлар лимфа тугунларини тадқиқотимизга ажратиб олдик. Топилган ўзгаришларни солиштириш ва ишончилигини тасдиқлаш учун назорат гуруҳи сифатида соматик экстрагенитал касалликлардан вафот этганларнинг лимфа тугуни олинди.

Диссертациянинг материали сифатида РПАМ оналар ва болалар патологияси бўлимида 2015-2021 йиллар давомида аутопсия текширувидан ўтган, клиник-анамнестик маълумотлар асосида тасдиқланган 44 та ҳолат олинди. Тадқиқотни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиб: лимфа тугунлар тўқимасида гематоксилин-эозин бўёғидан фойдаланиб гистологик текширув ўтказиш; лимфа тугунларидаги В ва Т лимфоцитларни иммуногистохимёвий усулда текшириб ўрганиш ва лимфа тугунларнинг барча морфофункционал майдонларининг нисбий ўлчамларини гистометрия усулида ҳисоблаш.

Презкламписиянинг яна бир хос асоратларидан бўлган жигарнинг ўткир ёғли дистрофияси ҳисобланади, бизнинг материалimizда бу ҳолат 6-тада учради. Аксарият ҳолларда ўлим билан тугайдиган асорат, яъни нормал жойлашган йўлдошнинг ўз вақтидан олдин кўчиши ва бачадондан қон кетиши 7-та ҳолатда аниқланган бўлса, барчаси ўлим билан тугаганлиги кузатилди. Албатта, презкламписия ва унинг асоратларига боғлиқ ҳолда ривожланадиган асорат, яъни буйракнинг ўткир етишмовчилиги касаллиги ҳам оғир асорат сифатида уремияга олиб келганлиги ва аксарият ҳолларда ўлим сабаби бўлганлиги аниқланди.

Компьютер мониторидаги бир хил катталиқдаги лимфа тугуннинг микрофотографияларида морфометрик ҳисоблашлар Г.Г.Автандиловнинг (1990) «нуқталарни санаш» усулида амалга оширилди. Бунда, лимфа тугуннинг ҳар бир расми устига 200 та катаклардан иборат сетка ўрнатилди. Лимфа тугун тасвиридаги ҳар бир структур элементга тўғри келган сетка чизиқлари туташган нуқталар саналди. Қўлга киритилган миқдорий маълумотлар ишончли бўлиши учун, паратрахеал ва мезентериал лимфа тугунларнинг ҳар биридан туширилган тасвирлардан 8 тасида нуқталар саналди ва математик ўртача миқдор аниқланди. Тўқима кесмасига қўйилган катакли тўрнинг нуқталари бир хил масофада бўлганлигидан, тўқима тузилмаларига танламасдан тўғри келиши бу усулнинг туб моҳиятидан маълумдир. Г.Г.Автандиловнинг катакли тўри нуқталари тўқима расми юзасининг барча соҳалари структур бирликларга бир хилда танланмаган ҳолда тарқалганлиги нисбийлик қонунига мос келади. Расмдаги мавжуд барча структур бирликлар майдони V_v , яъни 100% деб олинади, ҳисоблаш керак бўлган структур бирликларнинг ҳар бирининг майдони, шу тузилманинг номи қўйиб белгиланади, масалан: ЛТ ташқи пардаси – V_{tp} , капсула ости синуси – V_{kos} , пўстлоқ қават лимфоид фолликулалар – $V_{лф}$, мағиз қавати – $V_{мқ}$, паракортикал майдон – $V_{пм}$. Шу йўсинда нуқталарни санаш оқибатида ўрганилаётган структур бирликларнинг тўқимадаги нисбий майдони ҳисоблаб чиқарилади. Натижалар эса, ҳар бир структур бирликнинг лимфа тугун тўқимасидаги ҳажм бирлигини кўрсатади.

Демак, лимфа тугун тўқимасидаги барча структур бирликларнинг эгаллаган майдони V_v , яъни 100% бўлса, ундаги бир текисда тақсимланган нуқталар z билан белгиланади, ҳар бир нуқтанинг структур бирликга тўғри келиш нисбийлиги P деб олинса, унинг формуласи қуйидаги кўринишда бўлади: $P = V_v/100$.

Қўлга киритилган сонли кўрсаткичлар асосида фолликуляр коэффициент ва герминатив-фолликуляр индекс ҳисоблаб чиқарилди. Фолликуляр коэффициент пўстлоқ қават барча лимфоид фолликулалар майдони ва ҳар бир ЛФ диаметрининг миқдорий кўрсаткичлари ҳар томонлама баҳолашда ишлатиладиган ва меёрий ҳолатга нисбатан функционал фаоллик даражасини кўрсатади. Бунда ЛФ майдоними, ёки ЛФ диаметрими катталашганда ФК катталашади, демак улар бир-бирига тўғри пропорционал боғланишга эга. Агар бири катталашиб, иккинчиси кичиклашса ФК ё у томонга ёки бу томонга ошади ва ЛТ гиперплазия ёки гипоплазиясини белгилайди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакетидан фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган вазифаларини қўлланилган тартибда қўлланилган тартибда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Соматик касалликлардан ва преэклампсиядан вафот этганлар трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунларнинг морфологик ўзгаришлари**» деб номланган учинчи бобида соматик касалликлардан вафот этганлар лимфа тугунларининг ўзига хос морфологик тузилишини ўрганиш. Преэклампсиядан вафот этганлар лимфа тугунларини гематоксилин эозин ва замонавий текшириш усули бўлган иммуногистокимёвий усулдан фойдаланиб, лимфа тугунини фаол майдонларини ўзига хос ўзгаришларини барча инсон лейкоцитлари юзасида мавжуд бўлган кенг тарқалган лейкоцитлар антигени CD45 ва тўқималарда кузатиладиган пролифератив фаоллик даражасини белгилайдиган Ki 67 иммуномаркерлардан фойдаланиб юзага келадиган ўзгаришларни ўрганиб, маълумотларни ва олинган натижаларни яънада бойитишдан иборат.

Микроскопик текширув натижалари шуни кўрсатдики, соматик касалликлардан вафот этган аёллар трахеобронхиал ва мезентериал соҳа лимфа тугунлари умумий ҳолда типик, бир-бирига ўхшаш тузилишга эга. Лимфа тугунларининг ҳар бири ташқи томондан бириктирувчи тўқимали парда билан ўралган. Парда таркиби фибробластлар, гистиобластлар, нозик тутамлар пайдо қилмаган аргирофил толалардан ва ишқорий мукополисахаридли оралик моддадан иборат. Лимфа тугунларнинг пўстлоқ қавати В-лимфоцитар соҳа ҳисобланиб, унинг стромасида кам дифференциалланган дендритли ва типик ретикуляр хужайралар, ретикуляр толалари билан биргаликда тўр пайдо қилиб жойлашган. Лимфа тугунларнинг ретикуляр тўқимали стромаси таркибида макрофаглар ҳам учрайди. Пўстлоқ қаватда бирламчи ва иккиламчи лимфоид фолликулалар жойлашади. Бирламчи лимфоид фолликулалар нисбатан сон жиҳатдан камчиликни ташкил қилади, морфологик жиҳатдан улар диаметри кичикроқ, ташқи пардага туташган ҳолда жойлашади, паренхимаси кичик лимфоцитлар тўпламидан иборат.

Бизнинг материалimizда, аёллар соматик касалликлардан ўлган бўлганлиги учун, бу касалликларга жавобан ҳам лимфа тугунларда иккиламчи лимфоид фолликулалар пайдо бўлганлиги аниқланди. Иккиламчи лимфоид фолликулаларнинг умумий тузилиши бир-бирига ўхшаша, яъни марказида хужайралар кўпаядиган герминатив майдон пайдо бўлганлиги, унда ретикуляр хужайралар, макрофаглар ва йирик лимфоцитлар кўпайгани аниқланади.

Микроскопнинг катта объективида ўрганилганда мағиз қават юмшоқ тасмалар таркибидаги лимфоид хужайралар қон томирлар атрофида концентрацияланганлиги аниқланади. Синуслар бўшлиғидаги плазмацит хужайралардан йирик шаклдаги, цитоплазмаси оқсилли вакуолалар билан тўлган Мотта хужайралари деб номланадиган хужайралар борлиги аниқланади. Лимфа тугун паракортикал майдонида строма хужайралари,

яъни ретикуляр хужайралар билан ўрта катталиқдаги лимфоцитларнинг ўзаро муносабати. Ретикуляр хужайралар цитоплазма ўсимталари лимфоцитларни ҳар томонидан ўраб олган ва лимфоцитлар ташқи юзаси билан зич туташиб пайдо қилганлиги аниқланади.


Соматик касалликлардан ва преэклампсиядан ўлганлар трахеобронхиал ва мезентериал соҳа лимфа тугунларининг морфологик ўзгаришларини текшириш натижасида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Бу икки соҳа лимфа тугунлари гистологик жиҳатдан умумий қонуниятлар асосида бир-бирига ўхшаш тузилишга эга. Бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари қуйидагича, яъни трахеобронхиал лимфа тугунлар ҳажми бўйича кичикроқ, пўстлоқ қавати кенроқ, мағиз қавати торроқ, жойланишидан келиб чиқиб субкапсуляр ва оралик синуслари таркибида экзоген пигментлар, яъни антракоз жараёни мавжудлиги аниқланади. Демак, трахеобронхиал лимфа тугунлар тузилиши бўйича I – типдаги, зич ёки йиғноқ тузилишли лимфа тугун ҳисобланади. Мезентериал соҳа лимфа тугунлари ўлчамлари бироз каттароқ, ташқи пардаси юпқароқ, субкапсуляр синуси кенг, пўстлоқ қавати нисбатан камроқ майдонни эгаллаган, мағиз қавати кенроқ тузилишга эгаллиги аниқланади. Демак, мезентериал лимфа тугунлар тузилиши бўйича II – типдаги, ғовак тузилишли лимфа тугунлар турига киради. Бу соҳа лимфа тугунлари мағиз қават синуслари бўшлиғида оксил моддага тўйинган йирик плазматик хужайралар, яъни Мотта хужайралари пайдо бўлиши кузатилади.

Трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунлар ўзига хос тузилишлари бўйича бир-биридан фарқ қилиб, биринчиси I – типдаги, зич ёки йиғноқ тузилишли, иккинчиси II – типдаги, ғовак тузилишли лимфа тугунлар турига кириши аниқланди.


Трахеобронхиал лимфа тугунлар барча морфофункционал майдонларининг преэклампсия таъсирида юз берадиган морфологик ўзгаришлари. Преэклампсия билан касалланиб, ўлган аёллар иммун тизимининг асосий периферик аъзоси бўлган лимфа тугунларда кечадиган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хослигини аниқлаш учун, биз олдимизга мақсад қилиб, трахеобронхиал ва мезентериал соҳа лимфа тугунларини ҳар томонлама ўрганишни қўйдик. трахеобронхиал лимфа тугунлардаги патоморфологик ўзгаришларни преэклампсиянинг даврлари бўйича ўргандик. Натижалар шуни кўрсатдики, трахеобронхиал лимфа тугунларда преэклампсиянинг ўрта оғир формасидан бошлаб, захарланишга хос бўлган патоморфологик ўзгаришлар аниқланди. Бу ўзгаришларнинг моҳияти қуйидагича намоён бўлди. Лимфа тугуннинг ташқи пардасидан бошлаб, ички трабекулалари ва ретикуляр стромаси шишга ва дезорганизацияга учрагани кузатилди. Бу ўзгаришларга қўшимча ҳолда бириктирувчи тўқима тузилмалари орасида лимфоид инфильтрация пайдо бўлганлиги аниқланди. Бу турдаги лимфоид инфильтрация трабекулалар бўйлаб зичлашиб борганлиги ва лимфа тугун паренхимаси таркибидаги ретикуляр стромага ҳам тарқалиб жойлашганлиги кузатилди. Трабекулалар ва ретикуляр строма таркибидаги бириктирувчи тўқима хужайралари кучли пролиферацияланиш ҳолатдалиги, натижада қон томирлар девори

калинлашганлиги аниқланади. Бу ўзгаришлар оқибатида субкапсуляр ва оралик синус бўшлиғи торайгани, айрим жойларида битиб кетганлиги аниқланади (1-расмга қаранг). Бу ҳолат, лимфа, яъни тўқима суюқлигининг оқиб ўтиш, зарарсизлантириш жараёнининг қийинлашишига олиб келади.

Прееклампсиядан захарланиш таъсири бўлса керак лимфа тугуннинг атрофияланиши давом этиб, пўстлоқ қаватда лимфоид фолликулалар батомом йўқалади (2-расмга қаранг). Микроскопик текширув натижалари шуни кўрсатдики, прееклампсиянинг ўрта оғир формасидан бошлаб, паракортикал соҳа строма-томир тузилмалари пролиферацияланиб кўпайганлиги, фильтрация фаолияти ошганлиги кузатилади.



1-расм. Лимфа тугуннинг строма-томир тузилмалари пролиферация ҳолатида, синуслари битиб кетган, лимфоид фолликулалар атрофияланган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.



2-расм. Трахеобронхиал соҳа лимфа тугун пўстлоқ қаватида лимфоид фолликулалар аниқлан-майди, лимфоцитлар диффуз ҳолда инфильтрат пайдо қилиб жойлашган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.

Прееклампсиянинг оғир формасига келиб, паракортикал соҳада ҳам лимфоцитлар миқдори кескин камайиб, строма-томир тузилмалари яхши кўриниб бошлайди. Бунда, асосий ўзгариш ретикуляр ҳужайраларда кузатилади, яъни улар гипертрофияланиб, йириклашганлиги, цитоплазмаси кенгайиб, шишганлиги аниқланади. У билан бир қаторда строма таркибидаги гистиоген ҳужайралар ҳам пролиферацияланиб, кўпайганлиги, ретикуляр ҳужайралар ва қон томирлар атрофида склерозланиш тутамларини пайдо қилганлиги кузатилади. Прееклампсияда трахеобронхиал лимфа тугунлар паренхимаси, яъни лимфоид фолликулалари атрофияланади, паракортикал майдон сийраклашиб, посткапилляр венулалар оддий веналарга айланади, мағиз қават синуслари торайиб, юмшоқ тасмалари зичлашади. Прееклампсиядан захарланишга қарши гистиоцитар ва ретикуляр бириктирувчи ҳужайраларининг пролиферацияланиб кўпайиши, лимфа тугуннинг барьер-фильтрация ва детоксикация вазифаси кучайишининг морфологик асоси ҳисобланади.

Прееклампсия таъсирида мезентериал соҳа лимфа тугунлари барча морфофункционал майдонларининг морфологик ўзгаришлари. Прееклампсия билан касалланиб, ўлган аёллар иммун тизимининг асосий


периферик аъзоси бўлган лимфа тугунларда кечадиган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хослигини аниқлаш учун, биз олдимизга мақсад қилиб, трахеобронхиал ва мезентериал соҳалар лимфа тугунларини ҳар томонлама ўрганишни қўйдик. Маълумки, мезентериал соҳа лимфа тугунлари сон жиҳатдан энг кўп, яъни организмнинг барча лимфа тугунлари 600-700 дона саналадиган бўлса, бу соҳада уларнинг ярими, яъни 350 таси жойлашган. Бу соҳа лимфа тугунлари ўлчам жиҳатдан ҳам бошқа соҳа лимфа тугунларига нисбатан йирикроқ, яъни узунлиги 20ммгача бўлиши тадқиқотларда тасдиқланган. Мезентериал соҳа лимфа тугунлари ўзининг ҳам иммунопоэтик, ҳам тўсиқ-филтрация вазифаларини кучли даражада бажаради. Сабаби, ичак бўшлиқларидан сўриладиган барча маҳсулотлар, жумладан микроорганизмлар, уларнинг захари тўқима суюқлиги таркибида лимфа тугунларга борин филтрланади. Бу соҳа лимфа тугунларининг, трахеобронхиал соҳа тугунлардан фарқи умумий гистологик кўринишида барча морфофункционал майдонларида тўқимасининг кучли шишга учраганлиги кузатилади. Ташқи парда ва трабекулалари бириктирувчи тўқима тузилмалари шиш ҳисобига кескин титилган, ҳужайралари сийракланган, толалари парчаланиб, деформацияланган. Яна бир ўзига хослиги субкапсуляр ва оралиқ синуслари кенгайган, таркибидаги ҳужайра ва толали тузилмалари сийракланган. Трахеобронхиал лимфа тугунлардаги ўзгаришлардан яна бир фарқи, лимфа тугун паренхимаси бўлган лимфоид фолликулалар ҳам шишга учраганидан, ретикуляр ҳужайра ва лимфоцитлари титилиб, сийрак жойлашган.

Лимфа тугун тўқимасида кучли шиш жараёнининг ривожланиши айрим ҳолларда лимфа тугуннинг гистотопографик тузилишини бузиб, жумладан лимфоид фолликулаларининг секвестрацияга учрашига олиб келган. Натижада лимфоид фолликула таркибидаги ретикуляр ҳужайралар ва лимфоцитлар парчаланиб, бир-биридан узилиб, алоҳида тўпламлар, яъни секвестр кўринишидаги тўпламларни пайдо қилганлиги аниқланди.


Презкламписяда лимфа тугунларнинг иммуногистохимёвий ўзгаришлари Презкламписяда лимфа тугунларида кузатиладиган жараёнларни аниқлаш ва баҳолаш мақсадида ҳар томонлама ўрганиш натижасига асосланиб икки хил иммуногистохимёвий антигенлар CD 45 ва Ki67 турлари танлаб олинди. Презклампися касаллиги билан касалланган беморлардан олинган гистологик препаратларни иммуногистохимёвий ўрганиб, CD 45 ва Ki67 антигенлари ўзаро боғликлиги, лимфа тугунларда кузатиладиган ўзгаришлар ўрганилди. Презкламписядан ўлганлар трахеобронхиал ва корин парда соҳалари лимфа тугунларнинг морфологик ўзгаришларини текшириш натижаларни иммуногистохимик текширув оркали куйидаги антигенлар билан олинган хулосалар асосида CD45 - барча инсон лейкоцитлари юзасида мавжуд бўлган кенг тарқалган лейкоцитлар антигени бўлиб CD45 экспрессион гематопоетик ҳужайралар оддий шаклдан етук шаклга ўтиши билан ортиб боради. Унинг максимал даражаси етук лимфоцитларда мавжуд. Ki67 экспрессияси тўқима ва ҳужайраларда кузатиладиган пролифератив фаоллигини белгиловчи оқсил ҳисобланиб,

преэклампсиядан ўлган 20 нафар вафот этган беморлар лимфа тугунлари иммуногистохимёвий текширув оркали ўрганилди. Олинган натижалар асосида лимфа тугун фолликуларида пролифератив фаоллик даражалари ўрганилди. Преэклампсия касаллиги билан хасталанган беморлардан олинган лимфа тугунларнинг иммуногистохимия текширув натижалари Ki67 оқили оркали текширув натижасида 20 та бемордан 16 та беморда (80%) лимфа тугун фолликуларида пролифератив фаоллик даражаси юқорилиги кузатилди (3-расмга қаранг).

CD 45 – юқорида кўрсатиб ўтилганидек барча инсон лейкоцитлари юзасида мавжуд бўлган кенг тарқалган лейкоцитлар антигени бўлиб, экспрессион гематопоестик хужайралар оддий шаклдан етук шаклга ўтиши билан ортиб боради. Унинг максимал даражаси етук лимфоцитларда мавжуд. CD 45 – антигени оркали преэклампсиядан ўлган 20 та беморларни - лимфа тугунлари иммуногистохимик текширув оркали ўрганилди. Олинган натижалар 20 та беморлардан 18 тасида (90%) позитив реакция жараёни кузатилди . Яни улардан 4 тасида ўрта позитив ва 14 тасида юқори позитив реакция. Паст позитив реакция холати кузатилмади ва 10 % да - 2 та беморда негатив реакция холати кузатилди (4-расмга қаранг).



3-расм. Лимфа тугунни фолликуляр гиперплазияси. Ki67 оқили фолликулаларда ўрта позитив реакция . Бўёқ: Даб хромагаен. Ок: 10x об40.



4-расм. Лимфа тугунни фолликуляр гиперплазияси. CD 45 антигени юқори позитив реакция . Бўёқ: Даб хромагаен. Ок: 10x об40.

Преэклампсия таъсирида лимфа тугун морфофункционал майдонларидан лимфоид фолликулалари нисбатан кўп жойни эгаллаши, кучли шишга ва лимфостазга учрашадан ташқи пардаси, периферик синуси ва мағиз қавати эгаллаган майдон кенгайганлиги, лимфоид фолликулаларда протейин оксил микдори ошиши хисобига Ki67 оқили 80 % беморларда юқори пролифератив фаоллик холати кузатилди.

Текширувлар натижаси шуни кўрсатадики преэклампсия нафакат организмда кузатиладиган интоксикация жараёни балки лимфа тугунларда ҳам интоксикация холати юқори даража лейкоцитлар микдори ошиши

экспрессион гематопозитик хужайралар оддий шаклдан етук шаклга ўтиши билан ортиб бориши ҳисобига юкори экспрессия ҳолати кузатилди.

Диссертациянинг «**Соматик касалликлардан ва преэклампсиядан ўлганлар трахеобронхиал ва мезентериал соҳа лимфа тугунларнинг морфометрик кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида хужайра ва тўқима тузилмаларининг гистотопографиясига, бир-бирига нисбатан жойлашувига, ҳар бирининг форфофункционал ҳолатига эътибор берилган. Агар бу сифатий текширувларга тўқима тузилмаларининг миқдорий кўрсаткичлари ҳисобланса, тадқиқот натижалари бойийди, ишончлилиги ошади. Шунини инобатга олиб, биз тадқиқотимизда лимфа тугунларларнинг тузилиши, морфофункционал майдонларининг кўплиги, касалликларда бир-бирига ўхшамайдиган морфологик ўзгаришлар ривожланишини инобатга олиб, морфометрик текширувларни рус олими В. Волков томонидан тузилган «Лимфа тугунлар функционал морфологиясини морфометрик баҳолаш алгоритми» (Волков В.П., 2015) дастури асосида олиб бордик. Бундан ташқари окуляр микрометрда лимфоид фолликулалар ва герминатив майдон диаметри ўлчанди.

Назорат гуруҳи трахеобронхиал соҳа лимфа тугунлар лимфоид фолликулалари гиперплазияси фаол бўлганлигидан, майдони кенгайиб, лимфа тугуннинг умумий майдонининг 47,2 фоизини эгаллаганлиги аниқланди. Бу жараёнда лимфа тугуннинг мағиз қавати майдони ҳам бироз кенгайганлиги (23,7%), унинг аксича паракортикал майдон қисқарганлиги (15,5%) кузатилди. Лимфоид фолликулалар диаметри ўртача 0,73 мм, герминатив майдон диаметри 0,28 мм ни ташкил қилди. Ушбу миқдорий кўрсаткичлар асосида ҳисобланган фолликуляр коэффициент трахеобронхиал лимфа тугунлар учун 0,015 ташкил қилди. Герминатив-фолликуляр индекс эса мезентериал лимфа тугунларга (33,3) нисбатан анча баланд кўрсаткичга (38,3) эгаллиги тасдиқланди.

Мезентериал соҳа лимфа тугунлар лимфоид фолликулалар диаметри трахеобронхиал тугунларга нисбатан бироз кенглиги, яъни 0,87 ммлиги аниқланди. Герминатив майдон диаметри деярлик бир хил катталиги кузатилди. Фолликуляр коэффициент юқорилиги, яъни 0,025-га тенглиги, герминатив-фолликуляр индекс нисбатан пастлиги кузатилди.

Трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунлар барча морфофункционал майдонларининг преэклампсия таъсирида юз берадиган морфометрик ўзгаришлари. Преэклампсиядан ўлганлар трахеобронхиал ва мезентериал лимфа тугунларидан тайёрланган гистологик препаратларда морфометрик ҳисоблашлар яна Г.Г.Автандиловнинг «нуқтали тест» усулида саналди. Бунда ҳам натижалар ишончли бўлиши учун ҳар бир миқдорий кўрсаткич 8 объектда саналди ва назорат гуруҳида фойдаланилган формула асосида структур бирликнинг эгаллаган майдони (V) ҳисоблаб чиқарилди. Преэклампсия касаллигида асосан патологик жараёнлар жигар ва ўпкада ривожланганлиги учун, ушбу ишда шу аъзоларга жавобгар лимфа тугунларни морфометрик жиҳатдан ўрганилди. Дастлаб лимфа тугун тўқимасидаги асосий морфофункционал майдонлар эгаллаган соҳаларининг

нисбий майдони фоизларда ҳисобланди ва бунда трахеобронхиал ва мезентериал соҳалар лимфа тугунлари асосий майдонлар эгаллаган соҳалар микдорий кўрсаткичлари бир-биридан тубдан фарқ қилди. Презкламписия таъсирида лимфа тугунлардаги фолликуляр гиперплазия жараёни трахеобронхиал тугунларда кучлироқ ривожланганлиги кузатилди.

Презкламписия таъсирида лимфоид фолликулалар атрофияси аниқланганлигидан, морфометрик текширувларда ҳам трахеобронхиал, ҳам мезентериал соҳалар лимфа тугунлари лимфоид фолликулалари диаметри назорат гуруҳига нисбатан икки баробар камайганлиги кузатилди. Герминатив майдон диаметрия эса назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан камайганлиги кузатилди.

Трахеобронхиал лимфа тугунлар ҳажм жиҳатдан кичик, пўстлоқ қавати кенгроқ, мағиз қавати тор, паракортикал соҳа лимфоид фолликулалар орасига кирган ҳолда бир-нечта алоҳида жойлашган майдонлар пайдо қилади. Мезентериал лимфа тугунлар ташқи пардаси юпқа, субкапсуляр синуси кенги, пўстлоқ қавати энсиз, паракортикал соҳа пўстлоқ ва мағиз қаватлар орасида узлуксиз жойлашган майдон пайдо қилади.

Презкламписияда трахеобронхиал лимфа тугунлар паренхимаси, яъни лимфоид фолликулалари атрофияланади, паракортикал майдон сийраклашиб, посткапилляр венулалар оддий веналарга айланади, мағиз қават синуслари торайиб, юмшоқ тасмалари зичлашади. Презкламписиядан захарланишга қарши гистиоцитар ва ретикуляр бириктирувчи хужайраларининг пролиферацияланиб кўпайиши, лимфа тугуннинг барьер-филтрация ва детоксикация вазифаси кучайишининг морфологик асоси ҳисобланади.

Презкламписия таъсирида мезентериал соҳа лимфа тугунлари кескин шишга, барча синусларининг кенгайиши, паренхиматоз морфофункционал майдонларининг сийраклашиб, атрофияланиб, лимфоид фолликулалар некробиотик секвестрацияга учраганлиги аниқланди. Барьер-филтрация ва детоксикация вазифасини бажарувчи строма-томир тузилмалари пролиферацияланиб, кўпайганлиги кузатилди.

Презкламписия таъсирида трахеобронхиал лимфа тугун пўстлоқ қават лимфоид фолликулалар нисбий майдони (23,4%), мағиз қават қисқаргани (33,6%) кузатилган бўлса, мезентериал соҳа лимфа тугунлар пўстлоқ қавати нисбий майдони торайгани (24,6%), мағиз қават кенгайгани (31,6%) кузатилди. Лимфа тугуннинг иммунопоэтик функциясини белгилайдиган фолликуляр коэффициент меёрда 0,042 бўлса, презкламписияда мезентериал лимфа тугунда 0,0038, трахеобронхиалда 0,0021 гача тушиб кетганлиги, герминатив-фолликуляр индекс меёрда 44,3 бўлса, тегишли равишда 73,9 ва 78,9-ни ташкил қилди. Ушбу морфометрик кўрсаткичларни график тасвирга айлантирилганда ва назорат гуруҳи графиги билан солиштирилганда бир-биридан фарқи аниқ кўринади. Презкламписия таъсирида иккала соҳа лимфа тугунлари морфометрик кўрсаткичларидан келиб чиққан график тасвир тузилиши бир-бирига яқин ўхшашлиги аниқланади.

Трахеобронхиал ва мезентериал соҳалар лимфа тугунларида презкламписия таъсирида аниқланган ҳар бирининг ўзига хос морфологик ва

морфометрик ўзгаришлари, уларнинг иммунопозитив, барьер-фильтрация ва детоксикация вазифаларининг диагностик меъзонлари ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

«Презкламписияда лимфа тугунларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Трахеобронхиал лимфа тугунлар ҳажм жиҳатдан кичик, пўстлоқ қавати кенгрок, мағиз қавати тор, паракортикал соҳа лимфоид фолликулалар орасига кирган ҳолда бир-нечта алоҳида жойлашган майдонлар пайдо қилади. Мезентериал лимфа тугунлар ташқи пардаси юпқа, субкапсуляр синуси кенги, пўстлоқ қавати энсиз, паракортикал соҳа пўстлоқ ва мағиз қаватлар орасида узлуксиз жойлашган майдон пайдо қилади.

2. Презкламписияда трахеобронхиал лимфа тугунлар паренхимаси, яъни лимфоид фолликулалари атрофияланади, паракортикал майдон сийраклашиб, посткапилляр венулалар оддий веналарга айланади, мағиз қават синуслари торайиб, юмшоқ тасмалари зичлашади. Презкламписиядан захарланишга қарши гистиоцитар ва ретикуляр бириктирувчи хужайраларининг пролиферацияланиб кўпайиши, лимфа тугуннинг барьер-фильтрация ва детоксикация вазифаси кучайишининг морфологик асоси ҳисобланади.

3. Презкламписия таъсирида мезентериал соҳа лимфа тугунлари кескин шишга, барча синусларининг кенгайиши, паренхиматоз морфофункционал майдонларининг сийраклашиб, атрофияланиб, лимфоид фолликулалар некробиотик секвестрацияга учраганлиги аниқланди. Барьер-фильтрация ва детоксикация вазифасини бажарувчи строма-томир тузилмалари пролиферацияланиб, кўпайганлиги кузатилди.

4. Лимфа тугунларда Ki67 фаол экспрессияланиши лимфоид фолликулаларида хужайраларнинг пролифератив фаолиги ошганлигини, CD 45 экспрессияланиши лейкоцитларнинг оддий шаклдан етук шаклга ўтишини кўрсатади.

5. Презкламписия таъсирида трахеобронхиал лимфа тугун пўстлоқ қават лимфоид фолликулалари нисбий майдони қисқаргани (23,4%), мағиз қават кенгайгани (33,4%) кузатилган бўлса, мезентериал соҳа лимфа тугунлар пўстлоқ қавати нисбий майдони торайгани (24,6%), мағиз қават кенгайгани (31,6%) кузатилди.

6. Лимфа тугуннинг иммунопозитив функциясини белгилайдиган фолликуляр коэффициент меърада 0,042 бўлса, презкламписияда мезентериал лимфа тугунда 0,0038, трахеобронхиалда 0,0021 гача тушиб кетганлиги, герминатив-фолликуляр индекс меърада 44,3 бўлса, тегишли равишда 73,9 ва 78,9-ни ташкил қилди.

7. Трахеобронхиал ва мезентериал соҳалар лимфа тугунларида презкламписия таъсирида аниқланган ҳар бирининг ўзига хос морфологик ва

морфометрик ўзгаришлари, уларнинг иммунопозитив, барьер-филтрация ва детоксикация вазифаларининг диагностик мезонлари ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ШУКУРОВ УРАЛ ЭРГАШОВИЧ

**МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ
ЛИМФАНОВЫХ УЗЛОВ ПРИ ПРЕЭКЛАМПСИИ**

14.00.15 - Патологическая анатомия

**А АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib944.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

| | |
|--------------------------------|---|
| Научный руководитель: | Исраилов Ражаббой доктор медицинских наук, профессор |
| Официальные противники: | Мавлян-Ходжаев Равшан Шухратович доктор медицинских наук Расулов Хамидулла Абдуллаевич доктор медицинских наук, доцент |
| Ведущая организация: | Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников |

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Зал заседания 4-этажа, 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебной корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел / факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.

(Протокол рассылки № ____ от «__» _____ 2021 года)

Г. И. Шайхова

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Ученый секретарь научного совета, по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук.

А. Б. Саидов

Председатель научного семинара при научном совете, по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире преэклампсия является заболеванием, которое развивается только у беременных и продолжается артериальной гипертензией, протеинурией, полиорганной недостаточностью, часто нарушая работу фетоплацентарной системы. Преэклампсия и эклампсия считаются «киллерами» беременных, на них приходится 16% материнских смертей. Преэклампсия в 30% случаев осложняется плацентарной недостаточностью, чаще всего с ДВС, HELLP-синдромом, РДС у взрослых и неврологическими припадками. Развивающаяся при этом заболевании полиорганная недостаточность проявляется поражением почек, печени, органов сердечно-сосудистой системы, головного мозга и органов иммунной системы. Важным фактором развития преэклампсии является перенос фетальных антигенов в кровь матери, выработка антител, влияние реакции антиген-антитело на плаценту. Поэтому развитие морфологических и морфометрических изменений лимфатических узлов различной локализации, механизм выявления и предотвращения механизма развития преэклампсии является одной из важнейших проблем современной патологической анатомии.

По всему миру осуществляется ряд научных исследований по оптимизации морфологических и морфометрических изменений лимфатических узлов при преэклампсии. В связи с этим особое значение приобретает анализ специфического строения трахеобронхиальных и мезентериальных лимфатических узлов у женщин, умерших от соматических заболеваний, морфологических и морфометрических показателей трахеобронхиальных и мезентериальных лимфатических узлов женщин, умерших на разных стадиях преэклампсии.

В нашей стране большое внимание уделяется качеству системы здравоохранения, в том числе профилактике осложнений, эффективной диагностике преэклампсии, вызванной различными соматическими заболеваниями. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, при повышении уровня медицинских услуг на новый этап «...поставлены задачи по повышению удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшему реформированию системы экстренной медицинской помощи, профилактике инвалидности...»² Поэтому эффективная диагностика и устранение морфологических и морфометрических изменений лимфатических узлов при преэклампсии является одним из актуальных научных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5590 от 7 декабря

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

